

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

2001 йил 19 май шанба

Сотувда эркин нархда № 98 (2660)

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIIY MAJLISI VA ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING GAZETASI



Хушxabар

БУХОРОЛИКЛАР МАРРАГА ЕТДИ

Бухоро вилояти "қумуш тола" ижодкорлари қабул пунктларига 1 минг 980 тоннадан ошдиқ пилла топшириб, йиллик шартнома режасини мамлакатимизда биринчи бўлиб урдаладилар.

Ҳар қутти уруғдан ўртача 52 килограмдан сифатли хомаше етиштирилди.

Бухоро туманидаги "Маданият", "Ўрта Осиё", Вобкент туманидаги Охунбобоев, Ал-Бухорий номидаги, Жондор туманидаги "Истиклол", "Бухоро", Олот туманидаги "Шарқ юлдузи", Новой номидаги хўжаликларнинг пиллачилик звенолари юқори кўрсаткичларга эришти. Вилоятда пилла топшириш қизғин давом этмоқда. Имкониятларини чамалаб қўрган бухоролик пиллакорлар қабул пунктлариغا яна 400 тонна саноатимиз учун зарур бўлган хомаше топшириш ниятида.

Илҳом САФАР, Ўза мухбири.

ХОСИЯТЛИ ЙИЛ

Қишлоқ аҳли учун пилла бир ховуч хирмон ҳисоблангани билан унинг ташвишу қувончлари, ҳадиғу нишонлари булакча. Утган йил, масалан, Жарқўрғон туман бўлиб тарихида биринчи марта пилла тайёрлаш шартномасини бажара олмай қолди.

Бу йилги манзара бўлса — бўлакча! Жарқўрғонликлар 100 тонна пилла сотиб, зафарга эришдилар. Пиллага, иш ҳақининг олдидан берилгани ва ҳоқимликнинг, яхши ҳосил берганга 100 килограмдан бепул бугўли улашамиз, деган гапи бу йил роса яхши самара кўрсатди.

Жўрқўрғонликлар ҳозирдан қишга бориб қўлпал-тут қўчатларини ўтказмоғимиз лозим, деган гапни бир-бирлари билан маслаҳатлашмоқдалар.

Ўза мухбиримиз.

Ажабо!

«Ўқийётган» иппак кўрти

ёки ариқдан сув ичаётган болалар

Бориб кўрмаган одам ишонмайди бунга. Аммо факт. Пскент туманида Алишер Навоий номидаги ширкат хўжалиғи бор. Унинг Қайрағоч деган қишлоғи бўлиб, унда 38-тўлиқсиз ўрта мактаб жойлашган экан. Шу мактабда бўлиб, болалар чуғур-чуғур қилиб юришибди. Директор Улмас Товбаев йилгиликка кетган экан. Унинг ўқув ишлари бўйича муовини юқори синф ўқувчиларини хонадонларга — пилла теришга олиб кетди, дейишди.

Бу ҳолини изохлашни сўрадик. Муаллимлар ийманиб, энтикиб жавоб беришадис: — Бولا терган пилласига харна беш-тўрт сўм ишлайди! Улар аслида «Шароит бўлса, ўқийди-да» демоқчи бўлишди-ю, аёлларга хос андиша бунга йўл қўймади.

— Синфхоналарни айланамиз. Улар бор-йўғи тўрт хона! Мактабда эса 280 нафар ўқувчи бор экан.

— Бунча бولا қандай ўқийди? — дея юзланамиз муаллимларга.

Улар ажабланишмайди.

— Бизда уч сменали ўқиш ташкил этилган. 35 минутдан дарг уратамиз.

Тўғриси, бу ачинарли ҳол эди. Шу сабабли мактабда қўшимча синфхоналар қурилиши бошланди. 1995 йилдан бу ёйга девори тикланди, томи битди. Аммо ишга тушавормайди. Унинг қурилишини зиммасига олган ширкат хўжалиғи «пул ортиролмади». Аҳвол танглашаверган, ишга прокуратура идораси аралашди. Кейин хўжалик раиси Мирзаали Халилов каттиқ вағда қилди.

— Май ойида ишга тушади!

Аммо бутун мактабга борган киши киши ишонини билмайди. Сабаби, янги қурилган бешта синфхонада, ҳоқ ишонинг ҳоқ йўқ, икки қутти иппак кўрти боқилаятти?! Бу ёқда эса болалар қачон синфхона бўшайди-ю, кириб олиб ўқинишни пайлайди.

Ачиниш билан мактабдан чиқдик. Наҳот шу даражага бориб етилар. Уйлаб, уйга етолмайди киши. Қарасан, бир тўп бولا мактаб олдидан ариқ бўйида туришарди. Қўларини ишонмайсан. Ўқувчилар тоза-тоза ариқ сувидан ичиб, чанқоқларини бошишарди. Сурштирсан, бундан бошқа илож йўқ экан. Афсус!!!

Қурбон ЭШМАТОВ, «Халқ сўзи» махсус мухбири.



ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 18 май кун Оқсаройда АҚШ Куроли кулчари Марказий қўмондонлиғи бош қўмондони Томми Франксни қабул қилди. Сўхбат чоғида харбий соҳадаги икки томонлама ҳамкорлиқни ривож-

лантириш, шунингдек, Марказий Осиё минтақасидаги вазият билан боғлиқ масалалар юзасидан Ўзаро фикр алмашилди.

(ЎЗА).

СУРАТДА: қабул пайти. Д. ЮСУПОВ олган сурат.

ЕВРОПА КИНОСИ КУНЛАРИ

25 майдан 3 июнгача пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Саньат саройида Европа киноси кунлари бўлиб ўтади. Кино санъати мухлислари эътибо-

рига 14 та фильм ҳавола этилади. Шу муносабат билан ўтказилган матбуот анжуманида Европа мамлакатларининг Ўзбекистондаги элчихоналари вакиллари,

Элбек ХОЛИҚОВ, (ЎЗА).

ЯНГИ БОСМАХОНА ДАСТҲОҲЛАРИ

Жаҳон андозаларига тўла мос бу дастҳоҳлар Осиё тараққиёт банкнинг кредити ҳисобига харид қилинган. Улар ёрдамида аънавий коғоз турлари билан бир қаторда, кар-

тон коғозларда ҳам босма махсулотлар ишлаб чиқариш мумкин. Мазкур дастҳоҳлар 2000 йили Германиянинг Дюсселдорф шаҳрида ўтказилган халқаро полиграфия кўргазмасида

(ЎЗА).

Урганчада семинар-кенгаш

Урганчада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказиш масалаларига бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда вилоят фаоллари, фуқаролар йиғинлари раислари, шаҳар ва туман ҳокимлари ўринбосарлари, ҳуқуқ-тартибот органлари, омма-

вий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишти. Анжуманда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий ҳаётидаги роли ва ўрни, оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчилари сайловни ўтказиш ва бу жараёни оммавий ахборот воситаларида ёри-

Солим АВАЗ, «Халқ сўзи» мухбири.

СУВ ТАҚЧИЛЛИГИ ОҚИБАТЛАРИНИ ЕНГИЛЛАШТИРАЙЛИК

Урганчада Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида жорий йилда сув тақчиллиги оқибатларини енгиллаштириш бўйича махсус ҳукумат комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчи И.Жўрабеков раислигидаги сайёр йиғилишида сув тақчиллиги муаммоларини ҳал этишга доир чоралар мажмуи муҳокама қилинди.

Унда республикамизнинг тегишли вазирликлари ва идоралари, шаҳар ва туман ҳокимлари, вилоят муассасалари, ташкилотлари ва йирик корхоналари раҳбарлари иштирок этди. Комиссия йиғилишида мамлакатимиз ҳукумати томонидан икки йилдан буюн Амударё этақларида давом этаётган кескин сув тақчиллигини бартараф этишга доир махсус қарорлар қабул қилинган таъкидланди.

Бирок мавжуд вазият илгартирилган режаларни қайта кўриб чиқиш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган чораларни кучайтиришни тақозо этмоқда.

Вилоятда, масалан, шоти экиладиган майдонлар камайтирилди — сувни қўп талаб этадиган бу ўсимлик фақат уруғлик жамғармасини тўлдирши учунгина экилади. Шу тўғрйли йиғилишда турли объектви сабабларга кўра иш билан таъминланмай қолган қишлоқ аҳлини меҳнат билан банд этиш муаммосини ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, қатор қишлоқ хўжалиги ширкатларида тўхтаб қол-

ган гишт заводалари ва бошқа қўшимча ишлаб чиқаришларни қайта ишга тушириш таклифлари, шунингдек, қатор инвестициявий лойиҳаларни бажаришни жадаллаштириш тадбирлари қўллаб-қувватланди. Аҳолини узлуксиз равишда ичимлик суви билан таъминлаш масаласи устувор аҳамиятта эга. Йиғилишда таъкидланганидек, бунинг учун вилоятда зарур имкониятлар ва заҳиралар мавжуд. Шунингдек, болаларнинг ёзги дам олиши, аёлларни соғомлаштириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Тегишли вазирлик ва идораларга ҳамда уларнинг вилоятдаги ҳудудий бўлинмаларига муҳокама қилинган муаммолар ижроси бўйича аниқ топшириқлар берилди.

Ҳукумат комиссияси йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиси Т.Алимов, Бош вазир ўринбосарлари Р.Азимов, В.Атаев, А.Исаев, Р.Юнусов иштирок этди.

Т.ШАМАКОВ, Ўза мухбири.

«Олимпиада умидлари-2001»

Чўққилар сари қадам-бақадам

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий Мажлис Ёшлар ишлари қўмитаси ташкилотчилигида ўтказилган «Олимпиада умидлари-2001» спорт ўйинлари мусобақаси ёшларимизнинг соғлом, ҳар жиҳатдан баркамол ўсешлари йўлида ташланган муҳим қадамдир. Мустақилликнинг 10 йиллиғи арафасида илк бор ўқувчи-ёшлар ўртасида ўтказилган ушбу мусобақани қелғусида аънавий тарзда ўтказиш мўлажалланмоқда. Аҳамиятли томони шундаки, бу беллашулар халқаро олимпиада чўққиларига қўтарилши знаналарид асосий ва муҳим поғона бўлиб хизмат қилади.

«Фарзандлари соғлом юрт қўдратли бўлур» шурои остида ўтаётган «Олимпиада умидлари-2001» спорт мусобақалари бутун қизгин паллага кирди. Тошкентдаги 110-мактаб, Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳамда МХСК спорт иншоотларида баҳслар муросасиз кечмоқда. Чунки мусобақанинг финал босқичида Қорақалпоғистон Республикаси ва бәрча вилоятлардан уч турда голибликни қўлга киритган йигит-қизлар беллашмоқдалар. Голиблар «ҳа»деганда, маглубликка йўл беравермайдилар. Сара йигит-қизлар спортнинг басткетбол, волейбол, қўл тўпи, футбол, стол тенниси, шахмат ва енгил атлетика каби оммавий етти тури бўйича куч синашмоқда.

Мусобақалар 23 май—мактабларда сўнги кўнгироқ чалини арафасида яқунланади. Голиблар марказий «Пахтакор» стадионид таңтанали тақдирланадилар. Уларни олтин, қумуш ва бронза медаллар, диплом ва эсдалик совғалари кутмоқда. 13 та голиб жамоага эса мусобақа ҳомийлари томонидан компьютерлар топширилади.

Дилбар ТУРҒУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.



ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

Хатар ортда қолди

Оқ уй раҳбари Жорж Буш эртапаки соғломлаштириш машғулотивлари ўтказоётган бир пайтда Президент хавфсизлик хизмати ходимлари ундан 55 метр узокликда бўлган қурулган шахси қўлга олишди, дея хобор берди «Рейтер» агентлиғи. Айни пайтда ҳибса олинган шахс сўроқ қилинмоқда. Ушбу хабарда айтилишича, Ж.Буш ҳеч қандай шорпони сезмаган. Дорвоке, Оқ уй номаъдаси шу кун 4,8 километрлик масофани 23 минутда босиб ўтган.

Кредитдан воз кечилди

Россия жорий ва келаси йилда ҳам Халқаро валюта фонди беродиган кредитларни олмайди. Бу ҳақда Россия молия вазيري Алексей Кудрин маълум қилди. Унинг таъкидлашича, агар мамлакат ўз хароҷатларини жиловлай билса, унда ҳеч қандай хориж кредитларига ҳоҷат қолмайди. Ҳозирда Россия расмилари хатто «Курак» атом суви асти кемасини қурувдиқка чиқариш учун ёрдам қўлини чўзишга хайрихоҳ бўлган хо-

Суд яна қолдирилди

1970 йилда кирк нафар номойишини оммавий равишда отишга буйруқ берганлиқда айбонлаётган Польша собик раҳбари В.Ярузельский устандан қўзғатилган суд яна кейинга қолдирилди. Оқловчиларнинг таъкидлашича, суд мулозимлари қўлида айни масала бўйича аниқ далиллар йўқ. Ҳазирча суднинг қачон бошланишию, 77 ёшли собик раҳбарнинг қисмати қандай тугаши номаълумлиғига қолмоқда.

Сўнги сониларда

- Россиянинг суи астида қолган Ленск шахрининг 25 минг аҳолисидан 8 минг нафари қўчирилди. Суи сатҳи эса 17 метрга етган.
- Перунинг собик Президенти Фўхмиро ўз фаолияти давомида хориджан унча қирувчи самолёт сотиб олиш баҳонасида 48 миллиард доллар ўлаштираганини ашкор қилинди.
- Россия ва Белорус иттифоқи давлат котиби Павел Бордин. Женева судидан қайтар экан, уни ҳеч қандай таҳлилки аюваллар қўлмаётганлиғи таъкидлади.
- Анқарада юк самолёти аваринга учраганини, сабабли 4 нафар киши ҳалок бўлди.



Ўзбегимнинг қизлари... Т. МАХКАМОВ олган сурат.

Истироҳат боғида байрам

Кеча пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек номи маданият ва истироҳат боғида Маданият ишлари вазирлиги ҳамда «Ўзбекмужей» жамғармаси ҳамкорлигида халқаро музейлар кўнига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда республика миқёсидаги барча музейлардан ҳодимлар топширғи буюришди. Танглик санъаткорларнинг чиқилари байрам рўйида янада кўтаринкилик бахш этди.

Гофур ЖАБИЕВ «Халқ сўзи» мухбири.

Бирни кўриб фикр қил...

Ёмондан қочиб қутул, ё...

Кунгабоқаров «Олим бўлсанг, олам сеники», деган шioriни белига камар қилиб боғлаб олди. «Шахнинг тарихидаги ўрни» деган мавзуда диссертация ёзди. Диссертациясини энди ёқлайман деб турганда Сталин ўлиб қолди. Хрушчевнинг «Бемаврид» ишдан кетиши Кунгабоқаровнинг илмий изланишларини қайтадан ёзиб чиқишга мажбур қилди. Кунгабоқаров ҳам бир тутган нарсасини қўлдан қўймайдиганлардан экан. Шу мавзунинг ўзида унга матн ёзди. Лекин Магрибдан шамол турди, Машриқдан шамол турди, хулласи калом диссертациясини, афсуски, (хайриятки) ёқлай олмади.

Кунгабоқаров ҳозир — нафақахўр. Ҳамон «изланиш»да. Яқинда ўзи яшаб турган маҳалланинг раиси ҳақида ёзипти. Диссертация эмас, шунчаки... мақола. Мақоланинг сарлавҳаси бўлса ўзимизга таниш гап — «Раиснинг маҳалладаги ўрни». Мақолани газеталар босмади. Кунгабоқаров бу билан жим турмади. Мақоласини устма-уст беш кун маҳалла раисининг уйига бориб, унга ўқиб бераверди. Олтинчи куни раис Кунгабоқаровнинг маҳалла ҳисобидан моддий ёрдам сўраб берган аризасини ҳал этдию, ёмондан қочиб қутул, ё ўлиб қутул деган ҳикматга минг бор имон келтирди.

Таассуф

Белкурак кўтарган мурдалар

Анваров Акбаровнинг устидан шикоят хати ёзди. Маҳалланинг ариғига сув чиқариб берадиган насосни ва трансформаторни қўшим қайси гўрдан ва қайси пулига сотиб олган. Шунинг аниқлаб беринг. Адолатни тиклаб беринг, деб ёзди. Текширувчилар келган куни Акбаровнинг еттисига дастурхон ёзилганди. Таъзиясига ўтсангиз, муроасогайлик қилган бўласиз. Сўнг сизни ҳам қўшиб ёзаман, деган гапни эшитиб, текширувчи изига қайтди.

Эртаси куни Акбаровнинг аёли уларнинг қўлига белкурак тутказди. Хўжатларини ўзига қўшиб қанага ўраб юбортирганман. Гўрнини шу белкурак билан очиб, ўрганаверинлар, деди. Аҳдлари катъий экан, белкуракни елкаларига ташлаб, олдинма-кетин қабристонга қараб жўнадилар. Уларга кўзи тушганлар одамнинг ўзига ўзи қабр қазимокқа отланганини биринчи бор кўришимиз, деб ёқаларини ушладилар.

Тест

Абраматовнинг тўйи

Абраматов ўзини яхши кўрганларни яхши кўради. Абраматов ўзи яхши кўрган одамларни қизини узатиш тўйига таклиф қилди. Таклифнома тарқатилган куни, яъни тўйдан бир кун аввал уни лавозимдан бўшатдилар. Таклиф қилинган ўттиз икки одамдан бештаси тўйга келди. Абраматов ўзича ёмон кўриб юрадиганлар таклиф чорловни қутиб ўтирмаддан тўйни гуриллатиб ўтказдилар. Абраматов ҳисоб-китобли одам,

тўйига келгану келмаганларни ўзича қозғога тушириб қўйди. Бир куни келиб Абраматов қайтадан лавозимига тикланди. Ва ўша куни ҳовор, тўй куни ўзи тузган рўйхатни унутди-да, яна ўзини яхши кўрган одамларни қайтадан яхши кўра бошлади. «Тест» яна такрорланар-да, дерсиз. Буни билмадиган-у, лекин Абраматовнинг бир кун яна лавозимдан тушиши турган гап...

Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қилмиш-қидирмиш

Ўзини беозор кўрсатиб юрган катта лейтенант Олег Шиловскийнинг бу даражада мунофиқлик қилиши, ҳарбий қасамдани бузиши сафошларнинг ҳаёлига ҳам келмаган эди. Афсуски, Олег жанговар қуроолларни юзини шувит қилди. Хўш, мажлум собиқ офицернинг кирди-қорлари нималардан иборат? Уқув бўлимида тахсил олиб, тақсимлаш бўйича келган бир гуруҳ мутахассис аскарларнинг ҳужжатлари, жумладан, ҳарбий билетлари катта лейтенант қўлига топширилганда, у анчадан бери излаётган ноёб нарсасини топгандай явраб кетди. «Энди бу ёни беш», деб қўйди ичиди. Сабаби олти ой хизмат қилган бу йигитлар ақинда вазод, батальонларга тарқалишди. Олег эса худди шу пайтда режасини амалга оширади.

Шундай бўлди ҳам: аскарлар тарқатилганда катта лейтенант пойтахтлик кичик сержант Абдуфаттоҳ Соибжонов ва қўйи-чириқлик кичик сержант Ҳасанхўжа Юсуповларнинг ҳарбий билетларини «йўқолиб» деган баҳона билан ўзига олиб қолди. Ҳарбий билет ўрнига уларнинг қўлига вақтинчалик маълумотнома тутқазди. Орадан олти ой ўтгач, кичик сержантлар катта лейтенант хузурига келишди. Хизматни муддатидан олти ой олдин якунашни хоҳласанлар, — деди Олег уларга, — қуруғидан «ест» қилсанлар...

Текширув пайти ва суд жараёнида собиқ катта лейтенант сувдан курук чиқиш илмигини да турли вақт-қарордан ўйлаб қўлди. Аммо унинг барча кирди-қорлари фож. этиди. Қора қуруқда ҳаёли жойига келган Олег, Ҳасанхўжа Юсупов ва

НАФС БАЛОСИ


бий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисидаги Фармонга мувофиқ орадан кўп ўтмай озодликка чиқди. Бироқ... Мажбур қонунчилигимизга биноан офицерлар ва шартнома бўйича хизматдаги ҳарбийлар имкон қадар турар жой билан таъминланганлар. Улар хизматдан бўшатилган тақдирда, квартирани топширишга мажбурлар. Буни Олег Шиловский яхши билади. Шундай бўлса-да, у бошқача йўл тутди: қамқоқсонга йўл олтириб, қонини квартиралдан чиқмаслигини қайта-қайта таъинлади. Эрининг айтганидай бўлди ҳам.

Олег хусусий фирмага қоровул бўлиб ишга жойлашди ва вақтини ўтказмай отини қамчилади: олдин хизмат қилган қисми командири ва унинг ўринбосари имзолари билан шаҳар ҳокимлигига сохта хат тайёрлаб, ўзи яшаётган квартирани хусусийлаштириб олди. Бироқ у хусусийлаштириш учун тўлалиқ лозим бўлган 91907 сўм пулни тўламаслик йиллиги ҳам топти: сопла-соғ хотинига иккинчи гуруҳ нотириони ҳужжатини «тўрида» берди. Эътибор беринг-а! Олег шу даражада «омалди», унинг барча «ишлари»

осонгина бароридан келаверади. Қилин қирқ ёрадиган, ҳақиқатан ногиронлик гуруҳи тайинлаш лозим бўлганларни сарсон қилавериш, сўнггина ҳужжат берадиган базис ижтимоий таъминот ходимлари Олегнинг хотинини бирпасда ногирон қилишган-қўйишган. Шу тариха хизмат квартирасини хусусийлаштирган ва унинг 300 000 сўмга пулдан Олег кўра-билатуриб қонунни такрор булди. Яна қора курсига ўтириди. Қисқаси, нафс балосига тиррифтор бўлган Олег Шиловскийни суд айбдор деб топди ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят қоллексионинг тегишли моддаси асосида 5 йилга 3 ой муддатга озодликдан маҳрум этиш тўғрисида ҳукм чиқарди. «Саяқ юрган таёқ ейди», «Қилмиш-қидирмиш», «Текин томок тешиб чиқади», деганлари шу-да!

Б. ҲАСАНОВ, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ходими, адлия капитани. Х. ШАМСИДДИНОВ, ҳарбий прокурор, адлия капитани.

Самарқандда «Мари-фаттарварлик адабиётида Миллий уйғониш юзаси ва янги тафаккур» мавзусида республика илмий-адабий анжумани бўлиб ўтди. Иштирокчилар маърифатпарварлик адабиёти юзасидаги бугунги кун билан ҳамоҳан бўлиб, янги тафаккур ривожига муҳим оқил бўлиб хизмат қилганлиги алоҳида таъкидланди. Унда сўзга чиққан Тошкент, Бухоро, Термиз, Самарқанд олий ўқув юр-тларининг адабиётшунос олимлари, тадқиқотчилар ва талабалар ўтган аср бошларидаги адабиётининг маърифатпарварлик юзасини тарғиб этишдаги хизмати, адабиёт на-моёнларининг фаолияти, ушбу юзасини иқтисодий ҳаётига аҳамияти ҳамда бугунги ўрни ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Шунингдек, анжуманда маърифатпарварлик адабиёти билан боғлиқ тарихимиз ва бой маънавий меросимизни янада мукаммал ўрганиш ва тарғиб этишга қаратилган ма-саладар атрофида муҳо-кама қилинди.



«Мучал тўйи» олдидан

Талабалар ўртасида халқ ижодиёти ва фольклор санъати фестивалини ўтказиш аъна-нага айланган. Ўзбекистон Миллий университети талабалари ҳам ушбу анжуманга халқ маросимларини талқин этувчи «Мучал тўйи» асари билан иштирок этиш ниятида. СУРАТДА: режиссёр Нуралӣ Абуллоев «Мучал тўйи» иштирокчилари — талабалар даврасида.

Нўмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

2001 йил — Оналар ва болалар йили

МАҚСАД — ЎСМИРЛАР СОҒЛИҒИ

Аввал масалага аниқлик киритиб оласан. Кимларни ўсмирлар деймиз? Тиббиёт мутахассислари 15 ёшдан 17 ёшгача бўлган ўғил ва қиз болаларни ўсмирлар ҳисоблашади. Хўш, Қашқадарё вилоятида қанча ўсмир бор? 152012 нафар. Шунинг 72969 нафари ўғил, 79043 нафари қиз. Бу вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасидаги маълумот. Яна бир нарсаси. 1999 йилда қўриқдан ўтган ўсмирларнинг 47,3, 2000 йилда эса 53,6 фоизда турли касалликлар мавжудлиги аниқланган. Маълумотларга ишонадиган бўлсак, ўтган йили носоглом ўсмирларнинг 99,4 фоизи ёки 31761 нафари соғломлаштирилган. Қарақаси бўлиши керак. Шундан келиб чиқиб, 2000 йил 11 майда вилоят ҳокимининг Ҳ 142 5-сонли «Вилоят ўсмирлар ва чақурув ёшидагилар поликлиникасини ташкил этиш тўғрисида» қарори чиққан. Лекин у бажарилмаган.

Аввал вилоят «Саломатлик маркази» ва «Ўсмирлар поликлиникаси» ташкил этилган, лекин ўзини оқламаган эди, — дейди Қарши шаҳридаги 2-шифохона ўсмирлар-шифокори Машура Маҳмудова. — Унга ўсмирлар кам борарди. Шифохо-

ликлиника керакми-йўқми? Керак бўлса, уни қуриш ёки бино ажратиш илоҳи топил-майяптими? Еки поликлиника-казим ҳам ўсмирлар соғлиқ-гини муҳофаза қилиш имко-ни борми? Вилоят Соғлиқни сақлаш бош қармаси ўсмирлар хизмати бўйича беш мутахас-сиси Шоира Набиваннинг айти-тишича, Соғлиқни сақлаш ва-зирлигининг 1997 йил 19 февралдаги 77-буйруғи бўйича ўсмирлар поликлиника-сига бўлиши керак. Шундан келиб чиқиб, 2000 йил 11 майда вилоят ҳокимининг Ҳ 142 5-сонли «Вилоят ўсмирлар ва чақурув ёшидагилар поликлиникасини ташкил этиш тўғрисида» қарори чиққан. Лекин у бажарилмаган.

имий ишлаш имкониятига эга бўлади. Шу ўринда катта бир йи-ғилишда вилоят ҳокими Бах-тиёр Ҳамидовнинг «Ўсмирлар поликлиникаси йўқ деб қараб ўтириш тўғри бўлади-ми? Мажбур поликлиника-лардан фойдаланиш чораси-ни қўрсаларинг-чи...» деган гапини эслатишга тўғри ке-лади. Бу гап айнан Соғлиқ-ни сақлаш бошқармаси бош-лиғига қарата айтилган. Раҳматилла Раҳмоновнинг фикри тўғри-ноғри демок-чи эмасмиз. Фақат айтмоқ-чимизки, то шундай махсус поликлиника бўлгунча қадар бор имкониятдан фой-даланиш лозим эмасми? Мақсад — ўсмирларнинг соғ-лиқини яхшироқ муҳофаза этишми? Е янги муассаса очилми? Гап ўсмирлар се-ломатлигини таъминлаш ҳақида босилти. Қолаверса, мутахассислар алоҳида ўсмирлар поликлиникаси бўлмаса, иш юришмайди деган фикрни айтишавтгани ҳам йўқ. Демак, гап ишни таш-кил этишда, эътиборда, қунт ва ҳафсалалар, ҳар кимнинг ўз вазифасини виждонан ба-жаришида. Тўғрими?

Нурзулла РАВШАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«АБИТУРИЕНТ-2001» ДИҚҚАТ! Сиз тест синовларида жавоб беришингизга тўғри келадиган саволлар чоп этилган «Ахборотнома» ва «Вестник» журналларининг кейинги икки йиллик сонларини арзон баҳода сотиб олишни хоҳлайсизми? У ҳолда Давлат тест маркази хузуридаги «ДОНИШМАНД» фондига Жаҳон Обидова кўчаси, 12-уйга (мўлжал: Тошкент электротехника алоқа институти яқинида) мурожаат қилинг. Бу ерда мазкур журналларни устама нархларсиз сотиб олишингиз мумкин.

Ўт сафроси (буйракдаги), ошқозон-ичак оғриқларида самарали дори АСПАЛЬГИН Бу дори кучли оғриқни босади ШАҲАР ДОРИХОНАЛАРИДАН СЎРАНГ

Table with 2 columns: Name and Address/Phone. Includes 'ХАЛҚ СЎЗИ' and 'НАРОДНОЕ СЛОВО' sections.

Table with 2 columns: Name and Address/Phone. Includes 'Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида' and 'Газета таҳририят' sections.

Яна иккита журнал Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси яна иккита журнални рўйхатга олди. «Узлуксиз таълим», «Физика, математика ва информатика» деб номланган янги педагогик нашрлар.

Оғриқ? ШАҲАР ДОРИХОНАЛАРИДАН СЎРАНГ АПАЛЬГИН (500 мг аналгин) оғриққа қарши куч.

АПКАЛ-Г (глюконат кальций 500 мг) КАЛЬЦИЙ ГЛЮКОНАТ ҲАМИША СИЗНИНГ ҲАМРОҲИНГИЗ ШАҲАР ДОРИХОНАЛАРИДАН СЎРАНГ

Ўзбекистон Банклар ассоциацияси «Барака» универсал лизинг компаниясининг бош директори Алишер Муминовга опалари МАРҒУБА ва МУЯССАРларнинг фожияли вафоти муносабати билан таъзия изҳор этди.